“ДАЛВАРЗИН ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ 1-СОН БАЁННОМАСИ

Тошкент вилояти,
Бекобод тумани, Мавлонов ф/у 6-булим **2019 йил 29 июнь**

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Мавлонов ф/у “Далварзин пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **15:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **15:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **16:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 706 435.

“Далварзин пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият бош директорининг 2019 йил 5 июндаги 04-16-сонли таклифи инобатга олиниб, кузатув кенгаши томонидан 2019 йил 7 июнда қабул қилинган қарорига мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш хуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2019 йил 25 июнь.

Жамият кузатув кенгашининг 2019 йил 7 июнда ўтказилган йиғилишида акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишида қатнашиш ваколати жамият кузатув кенгаши аъзоси Ш.Нуримовга берилганлиги муносабати билан Ш.Нуримов йиғилиш раёсатини ва котибини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Ш.Нуримов – жамият кузатув кенгаши аъзоси;
2. С.Исмайлов–“Далварзин пахта тозалаш” АЖнинг молиявий масалалар бўйича директор;
3. Н.Олтибоев – жамият акциядори.

Йиғилиш котиби этиб К.Хайдаров – жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни саноқ комиссияси аъзоси И.Мирсаевга берди.

Саноқ комиссияси ахбороти:

Қимматли қағозлар Марказий Депозитарийси томонидан 2019 йил 25 июнь ҳолатига шакллантирилган “Далварзин пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 764 та акциядорга тегишли 706435 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 654290 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 2 та акциядор (унинг вакили)

рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 92,62 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

И.Холиков – жамият бош директори;

Ш.Курдашев – жамият тафтиш комиссияси раиси;

С.Исмайлов – жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори;

Б.Хўжаев – "GRANIT AUDIT" МЧЖ аудиторлик ташкилоти директори.

М.Рузимов – "XB FINANSE KONSULTING" МЧЖ аудиторлик ташкилот бош директори.

Йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2018 йилдаги фаолияти ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги жамият Бош директорининг ҳисоботини эшитиш.
4. Жамият кузатув кенгашининг 2018 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш.
5. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
6. Жамиятнинг 2018 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2018 йиллик ҳисоботини ва 2019 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2018 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тафтиш комиссияси хулосасини эшитиш.
9. Жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
11. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
12. 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувини, шу жумладан Халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
13. Жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.
14. Жамиятнинг янги таҳрирдаги "Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида"ги ва "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги Низомларни тасдиқлаш.
15. Жамиятнинг аффилланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни тасдиқлаш.

16. Жамиятда 2018 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

17. Жамият томонидан "Барака пахта текс" МЧЖга киритилган ва киритиладиган таъсис улушларини тасдиқлаш..

18. Қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик (шу жумладан дивидендлардан) қарздорликларини ҳисобдан чиқаришни кўриб чиқиш ҳамда бухгалтерия ҳужжатларда тегишли ёзувларни киритиш.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, мухокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев сўзга чиқиб, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2019 йил 7 июндаги йиғилиш қарорига кўра саноқ комиссияси таркибига жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи – К.Хайдаров, ишлаб чикариш ҳисобчиси – И.Мирсаев ва котиба - А.Сейтмамутова номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан саноқ комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

"Ёқлаганлар" – 654 290 та овоз; "Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда саноқ комиссияси тасдиқлансин:

1) К.Хайдаров;
2) И.Мирсаев;
3) А.Сейтмамутова.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 20 та масала кўрсатилганлигини ва хар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун - 5 (беш) дақиқагача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий

йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 654 290 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамият акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича жамият ижроия органи раҳбари-бош директор И.Холиков сўзга чиқиб, 2018 йилдаги фаолияти бўйича ҳисобот берди (ҳисобот илова қилинади).

Ҳисоботда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ишлаб чиқариш, молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги кўрсаткичлар ҳамда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалга оширилган ишлар ўз аксини топган.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан жамият бош директорининг 2018 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан бош директор И.Холиковга тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев акциядорлардан бош директорнинг 2018 йилдаги фаолиятига баҳо бериш ва унинг ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 654 290 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2018 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин ва ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича жамият кузатув кенгаши аъзоси Ш.Нуримов сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига кузатув кенгашининг 2018 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди .

Ҳисоботда асосан кузатув кенгаши томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ўтказилган йиғилишлар, йиғилишларда қабул қилинган қарорлар ўз аксини топган.

Йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев акциядорлардан жамият кузатув кенгашининг 2018 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 654 290 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамият кузатув кенгашининг 2018 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 79-моддасига асосан жамият директорининг, жамият бошқаруви аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида, жамият уставида ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилиниши тўғрисида маълумот берди.

Бундан сўнг, Б.Чиналиев ижроия органи раҳбари Холиков Илхом Умедович билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини бир йилга узайтириш масаласини йиғилиш иштирокчилари муҳокамасига киритди ҳамда акциядорларга кун тартибидаги мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу маласа юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар”– йўқ ; “Қаршилар”- 654 290 та овоз ; “Бетарафлар”- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. “Далварзин пахта тозалаш” акциядорлик жамияти бош директори Холиков Илхом Умедовичнинг ваколати мазкур акциядорлар умумий йиғилишдан кейин ўтказиладиган кузатув кенгаши мажлисигача узайтирилсин.

2. Мазкур умумий йиғилишдан кейин ўтказиладиган кузатув кенгаши мажлисида "Тошкент минтақавий пахта терминали" МЧЖнинг тавсия хати инобатга олинган ҳолда, жамият ижроия органи раҳбари билан меҳнат шартномасининг муддатини узайтириш ёки узайтирмаслик масаласи кўриб чиқилсин.

3. Жамият бош директори И.Холиков мазкур йиғилиш баённомасининг ушбу масала бўйича кўчирмани ўн кун муддат ичида "Тошкент минтақавий пахта терминали" МЧЖга етказилишини таъминласин.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича “GRANIT AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилот директори Б.Хўжаев сўзга чиқиб, жамиятнинг 2018 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2019 йил 26 апрелдаги

Миллий стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

Бундан сўнг "GRANIT AUDIT" МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори Б.Хўжаев сўзида давом этиб, жамиятнинг 2018 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2019 йил 21 майдаги Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

"GRANIT AUDIT" МЧЖ аудиторлик ташкилотининг хулосаларида "Далварзин пахта тозалаш" АЖнинг 2018 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ.

Йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев акциядорлардан 2018 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича "GRANIT AUDIT" МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2019 йил 26 апрелдаги Миллий стандартларга мувофиқ ва 2019 йил 21 майдаги Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаларини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

"Ёқлаганлар" – 654 290 та овоз; "Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. "GRANIT AUDIT" МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2019 йил 26 апрелдаги Миллий стандартларга мувофиқ ва 2019 йил 21 майдаги Халқаро аудит стандартларига мувофиқ берилган аудиторлик текшируви хулосалари тасдиқлансин.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича жамият молиявий масалалар бўйича директори С.Исмайловга сўз берилди ва у йиғилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи ва 2019 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди (йиллик ҳисобот ва бизнес-режа илова қилинади).

Йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев акциядорлардан жамиятнинг 2018 йиллик ҳисоботини ва 2019 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

"Ёқлаганлар" – 654 290 та овоз; "Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

2. Жамиятнинг 2019 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев жамиятнинг Тафтиш комиссияси раиси Ш.Курдашевга сўз берди.

Ш.Курдашев жамиятнинг 2018 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тайёрланган тафтиш комиссияси хулосасини ўқиб эшиттирди (хулоса илова қилинади).

Йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев акциядорлардан жамият тафтиш комиссиясининг хулосасини маълумот учун қабул қилишни таклиф этди ва ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 654 290 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги саккизнчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамиятнинг 2018 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тузилган Тафтиш комиссиясининг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги тўққизчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев сўзни жамиятнинг бош директори И.Холиковга берди.

И.Холиков йиғилиш иштирокчиларини кун тартибидаги масала бўйича ижроия органининг ва жамият кузатув кенгашининг таклифи билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон Қарорида пахта тозалаш корхоналари томонидан 2017-2018 йиллар якуни бўйича ҳисобланадиган дивидендларни капиталлаштириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддасига асосан жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

Бугунги кунда жамиятнинг устав фонди 778 491 370 сўмни ташкил этади.

Жамият Уставига асосан жамиятнинг захира фонди жамият устав капиталининг 15 фоиз – 116 773 705 сўм миқдорида тузилади ва 2019 йил 01 июнь ҳолатига захира фонди 139 098 000 сўм, яъни устав капиталнинг 17,9 фоизини ташкил этади.

Жамият бухгалтерия баланси маълумотларига кўра эски йилларнинг соф фойдасидан акцияларни кейинги чиқарилишларда инобатга олинадиган маблағ 1 076 735 050 сўмни ташкил этади.

Амалдаги солиқ қонунчилиги бўйича устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда 10% дивиденд солиғи тўланади ва жамият устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан бир баробарга кўпайтириш учун 864 990 411 сўм маблағ талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон Қарорини, устав капиталида жамият захира фонди шаклланмаганлигини ва эски йилларнинг соф фойдасидан акцияларни кейинги чиқарилишларда инобатга олинадиган маблағ мавжудлигини инобатга олган ҳолда, жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича 403 260 000 сўм соф фойдасини қуйидаги тартибда тақсимланиши бўйича акциядорлар умумий йиғилишига таклиф киритиш тавсия этилади:

- соф фойданинг 5 фоизи – 20 163 000 сўмни захира фондига;
- соф фойданинг 95 фоизи – 383 097 000 сўмни Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон Қарори талабларига асосан жамият устав фондини кўпайтиришга етарли бўлмаганлиги сабабли, тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибида қолдирилсин ҳамда мазкур 383 097 000 сўм маблағ жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича соф фойда тақсимотида инобатга олинсин.

Муҳокамадан сўнг йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев акциядорлардан кун тартибидаги масала бўйича берилган таклифга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 654 290 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича олинган – 403 260 000 сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- соф фойданинг 5,0 фоизи, яъни 20 163 000 сўм жамиятнинг захира фондига йўналтирилсин;

- соф фойданинг 95,0 фоизи, яъни 383 097 000 сўм Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги

ПҚ-3408-сон Қарори талабларига асосан жамият устав фондини кўпайтиришга етарли бўлмаганлиги сабабли, тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибида қолдирилсин ҳамда мазкур 383 097 000 сўм ҳамда эски йилларнинг соф фойдасидан капитализацияга йўналтирилган 211 744 639 сўм жами 594 841 639 сўм маблағ жамиятнинг маблағ жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича соф фойда тақсимотида инобатга олинсин.

2. Эски йилларнинг соф фойдасидан акцияларни кейинги чиқарилишларда инобатга олинадиган 1 076 735 050 сўм маблағ жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтирилишига йўналтирилган 778 491 370 сўм жами 864 990 411 сўм маблағ (дивиденд солиғи билан) қўшимча акцияларни чиқариш йўли билан жамият устав фондини кўпайтиришга йўналтирилсин. Жумладан:

- дивиденд солиғига – 86 499 041 сўм;

- жамият устав фондини кўпайтиришга – 778 491 370 сўм.

3. Жамият кузатув кенгаши қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни белгиланган тартибда тасдиқласин.

4. Жамият ижроия органи раҳбари қонунчиликда белгиланган муддат ва тартибда қўшимча акциялар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев сўз олди ва жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 654 284 дона акция эгаси “Тошкентпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

Унга асосан Нуримов Шомансур Собиржонович - "Ўзпахтасаноат" АЖ мутахассиси, Тухтамишев Мурод Сохатович - "Ўзпахтасаноат" АЖ бошқарма бошлиғи, Каримов Шерзод Уктамович - "Ўзпахтасаноат" АЖ бош мутахассиси, Тешабоев Улугбек Юлдашевич – “Ўзпахтасаноат" АЖ булим бошлиги, Чиналиев Бахтиёр Эгамбердиевич - "Тошкент Минтақавий пахта терминали" МЧЖ директор ўринбосари, Исаков Азиз Аликулович Узпахтасаноат АЖ бош мутахассиси, Холиков Баходир Назарович Узпахтасаноат АЖ бошкарма бошлиги номзодлари белгиланган тартибда кузатув кенгаши таркибига сайланиши учун кўрсатилган ва кумулятив овоз бериш бўйича бюллетенларига киритилган.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев акциядорлардан кузатув кенгашига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини кумулятив овоз бериш бўйича тузилган бюллетенлар орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 654 290 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ

“Тошкентпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:

Нуримов Шомансур Собиржоновичга:
“Ёқлаганлар” – 654 290 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Тухтамишев Мурод Сохатовичга:
“Ёқлаганлар” – 654 290та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Тешабоев Улугбек Юлдашевичга:
“Ёқлаганлар” – 654 290 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Каримов Шерзод Уктамовичга:
“Ёқлаганлар” – 654 290 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Холиков Баходир Назаровичга:
“Ёқлаганлар” – 654 290 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Исаков Азиз Аликуловичга
“Ёқлаганлар” – 654 290 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ
Чиналиев Бахтиёр Султонович
“Ёқлаганлар” – 654 290 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

Жамият кузатув кенгаши аъзолигига қуйидагилар сайлансин:

“Тошкентпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:

1. Нуримов Шомансур Собиржонович - "Ўзпахтасаноат" АЖ мутахассиси;
2. Тухтамишев Мурод Сохатович - "Ўзпахтасаноат" АЖ бошқарма бошлиғи;
3. Каримов Шерзод Уктамович - "Ўзпахтасаноат" АЖ бош мутахассиси;
4. Исаков Азиз Аликулович -“Ўзпахтасаноат" АЖ бош мутахассиси;
5. Чиналиев Бахтиёр Эгамбердиевич - "Тошкент Минтақавий пахта терминали" МЧЖ директор ўринбосари

6.Холиков Баходир Назарович-Узпахтасаноат АЖ бошкарма бошлиги.

7.Тешабоев Улугбек Юлдашевич- Узпахтасаноат АЖ булим бошлиги.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев сўз олди ва жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 654 284 дона акция эгаси “Тошкентпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

Акчурина Юлия-"Узпахтасаноат АЖ бош мутахассиси.

Атаходжаев Рахимжон Султонович-"Тошкент Минтақавий пахта терминали" МЧЖ, бош мутахассиси.

Рузиева Наргиза Мухамаджоновна-"Тошкент Минтақавий пахта терминали" МЧЖ, бош мутахассиси.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев акциядорлардан тафтиш комиссиясига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 654 290 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

Жамият тафтиш комиссияси аъзолигига қуйидагилар сайлансин:

“Тошкентпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:

1.Акчурина Юлия-"Узпахтасаноат АЖ, бош мутахассиси.
2.Атаходжаев Рахимжон Султонович-"Тошкент Минтақавий пахта терминали" МЧЖ, бош мутахассиси.
3.Рузиева Наргиза Мухамаджоновна-"Тошкент Минтақавий пахта терминали" МЧЖ, бош мутахассиси.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори С.Исмайлов сўзга чиқиб, жамиятда 2019 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларидан жамиятга келиб тушган қуйидаги тижорат таклифлари билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди:

т/р	Аудиторлик ташкилотининг номи	Мурожаат санаси ва рақами	Миллий аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви, минг сўмда	Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви, минг сўмда
1	“NAZORAT-AUDIT" МЧЖ	16.05.2019 128/19-сон	5 400,0	6 600,0
2	“XB FINANSE KONSULTING” МЧЖ	15.05.2019 97-сон	4 500,0	5 500,0
3	“GRANIT AUDIT” МЧЖ	17.05.2019 41-сон	7 000,0	5 000,0

Муҳокама давомида жамият акциядори Н.Олтибоев жамиятга келиб тушган тижорат таклифларни инобатга олган ҳолда, ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари орасидан малакали мутахассисларга ҳамда энг қулай нархларга эга бўлган аудиторлик ташкилотини танлаш зарурлигини билдирди.

Бундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев акциядорларидан 2019 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит

стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи бўйича ўз маносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 654 290 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. 2019 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини:

-Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун “XB FINANSE KONSULTING” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори
- 4 500,0 минг сўм белгилансин;

-Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун “XB FINANSE KONSULTING” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори
- 5 500,0 минг сўм белгилансин.

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

-юқорида кўрсатилган аудиторлик ташкилотлари билан белгиланган тартибда шартномаларни тузсин;

-қонунчиликда белгиланган муддатларда жамият Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот ва хулосаларни киритсин.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев сўзга чиқиб, акциядорларни жамият Уставига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар билан таништирди.

Шундан сўнг жамият бош директори И.Холиков сўзга чиқиб 20 март 2019 йил Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 531-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши муносабати жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш таклифини киритди.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев акциядорлардан жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 654 290 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамият янги таҳрирдаги устави 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

-қонунчиликда белгиланган муддат ва тартибда жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

Кун тартибидаги ўн туртинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев сўзга чиқиб, акциядорларни жамият ижроия органи томонидан тайёрланган жамиятнинг янги таҳрирдаги "Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида"ги, "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги, Низомлари билан таништирди ва уларни тасдиқлаш таклифини киритди .

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев акциядорлардан мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришлари сўралди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

"Ёқлаганлар" – 654 290 та овоз; "Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамиятнинг янги таҳрирдаги "Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида"ги, "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги, Низомлар 4 ва 5-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

-жамиятнинг янги таҳрирдаги "Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида"ги, "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги, Низомларини жамият фаолиятига татбиқ этиш бўйича тегишли чораларни кўрсин.

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев сўзни жамият Тафтиш комиссияси раиси Ш.Курдашевга берди.

Ш.Курдашев сўзга чиқиб, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 88-моддасига асосан жамиятнинг акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақлилигини айтди ва акциядорлар эътиборига жамиятнинг аффилланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхатини ҳавола этди.

Йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев акциядорларга кун тартибидаги мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 654 290 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамиятнинг аффилланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхати 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев сўзни жамият бош директори И.Холиковга берди.

И.Холиков жамиятнинг 2018 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш – “GRANIT AUDIT” МЧЖ томонидан ўтказилганлигини маълум қилиб, ушбу ташкилотнинг 2019 йил 20 июндаги хулосани акциядорларга ўқиб эшиттирди. Хулосага асосан, жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимида бир қанча камчиликлар аниқланган ва жамият корпоратив бошқарув тизими даражаси – 268 баллга баҳоланган, яъни қониқарли деб эътироф этилган.

Бундан сўнг Б.Чиналиев сўзга чиқиб, Корпоратив бошқарув кодексига асосан жамиятларда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича чоралар кўриш ижроия органи зиммасига юклатилганлигини айтиб ўтди.

Йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев акциядорларга жамиятда 2018 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш бўйича берилган хулосани маълумот бўйича қабул қилиш бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 654 290 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамиятда 2018 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари бўйича “GRANIT AUDIT” МЧЖнинг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

- 2018 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўрсин ва икки хафта муддат ичида жамият кузатув кенгашига йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни киритсин;

- иш фаолиятида хато ва камчиликларига йўл қўйган раҳбар ва мутахассисларига интизомий жазо чораларини кўрсин ҳамда икки хафта

муддат ичида кўрилган интизомий жазо чоралари тўғрисидаги ёзма маълумотни "Тошкент Минтақавий пахта терминали" МЧЖга киритсин.

Кун тартибидаги ўн еттинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев сўзни жамият бош директори И.Холиковга берди.

И.Холиков сўзга чиқиб, акциядорларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг жорий йил 30-31 январь кунлари Жиззах вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган 2019 йил 31 январдаги 5-сон мажлис баённининг 93-бандига асосан Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманида ташкил этилган тикувчилик мажмуаси тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ жойларида хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида ижроия органи томонидан кузатув кенгашига вилоят ҳудудида енгил конструкцияли тикув цехлари фаолиятини мувофиқлаштириш учун устав фонди 10 000 000 000 сўмлик янги жамият ташкил бўйича мурожаат қилинганлиги тўғрисида маълумот берди.

Мазкур таклиф кузатув кенгаши томонидан маъқулланган бўлиб, жамият таъсисчилиги асосида "Барака пахта текс" МЧЖ ташкил этилди ва унинг устав фондига бугунги кунгача 2 334 059 400 сўм пул маблағи киритилди.

Йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев акциядорларга жамият томонидан юқорида қайд этилган сармояларни маъқуллашни ва ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

"Ёқлаганлар" – 654 290 та овоз; "Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг жорий йил 30-31 январь кунлари Жиззах вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган 2019 йил 31 январдаги 5-сон мажлис баёни маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Жамият томонидан енгил конструкцияли тикув цехлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича "Барака пахта текс" МЧЖ ташкил этилганлиги ва унинг устав фондига киритилган 2 334 059 400 сўм таъсис улуши тасдиқлансин.

3. Жамият ижроия органи раҳбарига "Барака пахта текс" МЧЖ устав фондини қўшимча тўлдириш учун 10 000 000 000 сўмгача таъсис улуши киритиш ва мазкур масала бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш ваколати берилсин.

Кун тартибидаги саккзинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев сўзни жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори С.Исмайловга берди.

С.Исмайлов сўзга чиқиб, жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари таҳлилини ўтказувчи ишчи-гуруҳи томонидан тасдиқланган

хулосасига асосан қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг 66 575 минг сўмлик дебиторлик ҳамда 135 685 минг сўмлик кредиторлик қарздорликлари мавжудлиги тўғрисида маълумот берди (хулоса илова қилинади).

Муҳокамада Б.Чиналиев ушбу қарздорликларни ҳисобдан чиқаришни ва бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритишни таклиф этди.

Йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев акциядорларга кун тартибидаги мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

"Ёқлаганлар" – 654 290 та овоз; "Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги йигирманчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамиятнинг қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик (шу жумладан дивидендлардан) қарздорликлари 7-иловадаги рўйхатга мувофиқ ҳисобдан чиқарилсин ҳамда бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувлар киритилсин.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Б.Чиналиев акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилишда раислик қилувчи: _____ **Б.Чиналиев**

Йиғилиш котиби: _____ **Ж.Хайдаров**

Йиғилиш баённомаси 2017 йил 9 июл куни икки нусхада тузилди.

Йигилиш баённомаси билан танишдим ва бир нусхасини иловалари билан кабул килиб олдим.

Жамият бош директори **И.Холиков**